

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.23.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЯРОВ ШУХРАТ НАМАЗБОЕВИЧ**

**ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТДА ЮРИДИК ТЕХНИКАНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.  
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)**

**Бердияров Шухрат Намазбоевич**

Хуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг  
методологик асосларини такомиллаштириш ..... 3

**Бердияров Шухрат Намазбоевич**

Совершенствование методологических основ применения  
юридической техники в правовой деятельности ..... 33

**Berdiyarov Shuxrat Namazboevich**

The enhancement of methodologic basis of realization  
of juridic techniques in the legal activity ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.23.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЯРОВ ШУХРАТ НАМАЗБОЕВИЧ**

**ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТДА ЮРИДИК ТЕХНИКАНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.  
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.Dsc/Yu 52 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash](http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тулътеев Ильяс Тавасович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Азизов Ниғмонжон Пардаевич**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Туляганов Абдуманноп Абдужабборович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Каримова Дилафруз Равшановна**  
юридик фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва  
парламент тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**О.Т. Ҳусанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ж.Н. Нематов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**С.М. Селиманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида юридик техника ҳуқуқий тизимнинг асосий таркибий қисми бўлиб айни вақтда, унга ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш воситаларидан бири сифатида қаралади. Ҳар бир давлат ўз миллий ҳуқуқий тизимига эга бўлганлиги сабабли, юридик техниканинг талаблари муайян даражада фаркланади, яъни ҳар бир давлатнинг қонунчилиги ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги боис, юридик техника талаблари турлича ифодаланиши мумкин. Аммо, ҳар қандай ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий фаолиятнинг самарадорлиги юридик техникани самарали қўллаш методологиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Юридик техника ўз моҳиятига кўра ҳам илмий, ҳам амалий хусусиятга эга бўлиб, бутун ҳуқуқий тизимдаги таркибий тузилмаларнинг ташкилий қурилиши ва алоқадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий фаолиятида юридик техникани самарали қўллашнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш, мазкур соҳани такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу борада, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларининг сифатини ошириш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва унификациялаш, ҳуқуқни қўллаш механизмларини такомиллаштириш каби тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш»<sup>1</sup> каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш орқали қонун ҳужжатларининг сифатини ошириш, ижро механизмларини кучайтириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этишни, қонун ҳужжатлари нормаларидаги ҳаволаки норма ва муқобил шартларни камайтиришни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат тилида тайёрлаш амалиётини ривожлантиришни тақозо этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395-сон «Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 16 июлдаги 538-сон «Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказ ва таълим муассасаларида, жумладан, University Harvard, Defense Institute of International Legal Studies, New York University, Washington University School of law (АҚШ), University of Oxford, Cambridge University, Newcastle University, Queen Mary University, Library of House of commons (Буюк Британия), Universität zu Köln, Frankfurt Universität, Miskolc University (Германия), Pantheon Sorbonne (Франция), Венгрия Фанлар академияси ҳуқуқий тадқиқотлар институти (Венгрия), Москва давлат университети, Москва давлат юридик университети, Нижегород илмий-тадқиқот маркази (Россия), Univeitatea Liberă internațională din Moldova (Молдова), ва Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида

---

<sup>2</sup> <https://www.harvard.edu>, <https://www.dsca.mil>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.uni-koeln.de>, [mta.hu](https://www.mta.hu), <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.parliament.uk/commons-library>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-miskolc.hu/en>, <https://www.pantheonsorbonne>, <https://msu.ru>, <https://msal.ru>, [jurtech.org](https://www.jurtech.org), <https://www.ulim.md>, <https://www.tsul.uz>. ва бошқа манбалардан олинган.

қатор, жумладан, қуйидаги натижаларга эришилган: юридик техника талаблари асосида электрон норма ижодкорлиги тизимини ривожлантириш асослантирилган (University Harvard), юридик техниканинг англо-саксон ҳуқуқий тизимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги аҳамияти асослантирилган (University of Oxford), қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этишда юридик техниканинг имкониятлари асослантирилган (Universität zu Köln), юридик техника талаблари асосида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш асослантирилган (Pantheon Sarbonne), юридик техниканинг назарий ва амалий жиҳатлари комплекс таҳлил этилиб, қонунчиликни такомиллаштиришдаги йўналишлар аниқлаштирилган (Венгрия Фанлар академияси ҳуқуқий тадқиқотлар институти), жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда қонунчилик техникасини қўллашни такомиллаштириш асослантирилган (Univeitatea Liberă internațională din Moldova), юридик техниканинг методологик асослари аниқлаштирилган (Нижегород илмий-тадқиқот маркази), юридик техника ва қонунчилик техникаси бўйича таълим бериш тизими такомиллаштирилган (Тошкент давлат юридик университети).

Жаҳонда ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш билан боғлиқ қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қонун ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш; юридик техникани идоравий ҳуқуқ ижодкорлигида қўллашни такомиллаштириш; ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини юридик техника талаблари асосида мантиқий боғлиқлигини таъминлаш; ҳуқуқни қўллаш фаолиятида юридик техникани илмий асосда қўллашни таъминлаш; юридик техниканинг тарихий ривожланиш тенденциясини илмий таҳлил этиш; қонунчиликни тизимлаштиришда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш; юридик техниканинг жиноят қонунчилигини такомиллаштиришдаги методларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш мавзусида бевосита тадқиқот олиб борилмаган бўлса-да, юридик техниканинг у ёки бу жиҳатлари хорижлик олимлар С.С. Алексеев, В.М. Баранов, С. Н. Болдырев, О.Н. Булаков, Н.А. Власенко, М.Л. Давидова, И. Иеринг, Т.В. Кашанина, Д.А. Керимов, Н.П. Колдаева, Д.Д. Ковачев, Т.В. Кузнецова, М.Н. Марченко, С.В. Поленина, Б.В. Чигидин, Д.В. Чухвичев, Е.С. Шугрина, Т.Ф. Яковлева, Ч. Варга, К.Д. Адамс ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан Ш.З. Ўразаев, М.А. Ахмедшаева, Ҳ.Б. Бобоев, Л.М. Бойко, З.М. Исламов, Г.Р. Мирзаева, Ў.Ҳ. Муҳамедов, М.К. Нажимов, Ҳ.Т. Одилқориев, А.Х. Саидов, Ш.А. Сайдуллаев, И.Т. Тультеев, А.С. Турсунов, И.А. Хамедов, Э.Ҳ. Халилов, О.Т. Ҳусанов,

Х.С. Хайитов, А.М. Хашимхонов ва бошқалар ўз илмий ишларида юридик техника масалаларига муайян даражада эътибор қаратишган<sup>3</sup>.

Хусусан, мамлакатимизда профессор Х.Т. Одилқориев Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёнининг ўзига хос жиҳатларини, И.Т. Тультеев ҳуқуқ ижодкорлиги прогнозининг назарий ва амалий масалаларини, Э.Х. Халилов Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий қонун чиқарувчи органининг қарор топиши, ривожланиши ва истиқболларини, Г.Р. Мирзаева қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг моҳияти ва қонунчилик фаолиятини, Х.С. Хайитов қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш билан бирга, юридик техниканинг у ёки бу жиҳатларига эътибор қаратганлар.

Шунингдек, республикамизда юридик техниканинг таркибий қисми бўлмиш қонунчилик техникаси масаласида ўтказилган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Жумладан, Л.М. Бойко жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида қонунчилик техникасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий масалаларини тадқиқ этган. Ш.Н. Кўчимов ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммоларини ўрганиб, қонунларнинг тили, ифода усули, ҳуқуқий атамашунослик масалаларига эътибор қаратган. Бироқ бу тадқиқотларнинг баъзилари собиқ Иттифок даврида, бошқалари тилшунослик нуқтаи назаридан амалга оширилган.

Юқорида баён этилганлар ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани кўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Юридик техника ва қонунлар сифатини ошириш муаммолари» илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган (2016-2018).

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани кўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«ҳуқуқий фаолият» тушунчаси, унинг моҳияти ва бу жараённинг субъектларини аниқлаштириш;

ҳуқуқий фаолиятда юридик техниканинг аҳамиятини илмий асослаш;  
юридик техниканинг моҳияти, хусусиятлари, тузилишини таҳлил этиш ва аҳамиятини асослантириш;

«юридик техника», «қонунчилик техникаси», «қонунчилик технологияси» тушунчаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб бериш;

---

<sup>3</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

юримдик техниканинг тадрижий ривожланишини тадқиқ этиш ҳамда истиқболларини кўрсатиб бериш;

замонавий юримдик техниканинг умумий таснифи ва функцияларини аниқлаш;

ҳуқуқий фаолиятда юримдик техникани қўллашнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштиришга оид таклифлар бериш;

ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан юримдик техниканинг алоқадорлигини кўрсатиб бериш;

ҳуқуқий фаолиятда юримдик техникани қўллашнинг методологик асосларини илмий таҳлил этиш;

ҳуқуқий фаолиятда юримдик техникани қўллашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ҳуқуқий фаолиятда юримдик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** юримдик техниканинг қоида ва талаблари ҳамда ҳуқуқий фаолиятда юримдик техникани қўллашнинг методологик асослари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажариш жараёнида миллий қонунчилик нормаларини ретроспектив таҳлил қилиш, шарҳлаш ва уларни қўллаш амалиётини ўрганиш, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, анкета сўровлари ўтказиш, ҳуқуқий фаолиятда юримдик техникани қўллашга оид маълумотларни таҳлил қилиш, кузатиш, комплекс ёндашув, абстракция, дедукция, индукция, синтез, мантиқий, тарихий, тизимли, ҳуқуқий эксперимент, статистик моделлаштириш методлари ва тадқиқот олиб боришнинг бошқа усулларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатларининг тузилиши ва юримдик конструкциясини ишлаб чиқишнинг замонавий юримдик-техник қоидалари, воситалари, принциплари ва усуллари асослантирилган;

қонун лойиҳаларининг концепциясида қонуннинг амал қилиш доираси, ривожланган хорижий давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси, амалдаги халқаро ҳуқуқ принципларига мослиги, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар берган таклифлар шарҳи бўлиши зарурлиги илмий асослантирилган;

қонун ҳужжатларини унификациялаш, улардаги ҳаволаки норма ва муқобил шартларни қисқартирган ҳолда қонун ҳужжатининг ўзида ижро механизмларини белгилаш, ҳуқуқ, мажбурият, вазифа ва ваколатларнинг чегаралари, умумистеъмолдаги ва махсус атамаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг турига қараб ишлатиш асослантирилган;

«юримдик техника» ва «қонунчилик техникаси» тушунчалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир маънода қўлланилаётганлиги ва «юримдик техника» тушунчаси «қонунчилик техникаси»га нисбатан кенгроқ тушунча эканлиги асослантирилган;

юримдик хизмат ходимларининг норматив-хукукий хужжатларнинг лойихаларини хукукий экспертизадан ўтказишда холис ва мустиқил бўлишлари учун шароит яратиш орқали қонун устуворлигини таъминлаш асослантирилган;

«ички идоравий хужжат» тушунчаси, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш доираси ҳамда норматив-хукукий ва хукуқни қўллаш хужжатларидан фарқли жиҳатлари асослантирилган;

конституциявий хукукий нормаларнинг устунлигини таъминлаш мақсадида имтиёз ва чекловлар фақат қонунларда белгиланиши зарурлиги асослантирилган;

ижтимоий, сиёсий, техник, диний ва хукукий нормаларнинг фарқли жиҳатлари ҳамда жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хукукий фаолиятда юримдик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш мамлакатимизда хукукий демократик давлатни шакллантириш стратегиясига уйғун ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, бу хукукий тизимни модернизациялашга хизмат қилади;

хукукий фаолиятда юримдик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар хукукий фаолиятнинг самарали амалга ошишига ҳисса қўшади;

юримдик техниканинг талаблари акс этган қонун хужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар хукукий фаолиятда юримдик техникани самарали қўллаш имкониятини беради;

юримдик техниканинг қоида ва талабларига риоя этиш методикасига оид таклифлар қонун хужжатлари ҳамда хукуқни қўллаш хужжатларини сифатли ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотни ўтказишда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларидан кенг фойдаланилган. Тадқиқот натижалари халқаро хукукий хужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, хукуқни қўллаш амалиёти, давлат ва хукуқ назариясида умумэтироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли далиллар асосида исботланган.

Хукукий фаолиятда юримдик техникани қўллаш муаммолари бўйича мутахассислар (юримдик хизмат ходимлари, ички ишлар органлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар)нинг фикрларини ўрганиш учун ўтказилган анкета сўровларининг умумлаштирилган жавоблари ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига таянган ҳолда хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот ишидаги таклиф ва тавсиялар халқаро хужжатлар, миллий

қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти, ўз фаолиятида юридик техникани қўлловчи субъектларнинг амалиёти ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси фанларидаги концептуал муаммоларнинг ечимларини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, юридик техниканинг қоидалари акс этган қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси, юридик техника, қонунчилик техникаси фанлари (курслари)ни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Юридик техника юзасидан берилган таклифлар Ўзбекистон қонунчилик тизимини, юридик хизматлар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиб, келгусида бу борада фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг юридик техникани қўллаш билан боғлиқ фаолияти самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан куйидагиларда фойдаланилган:

таклиф этилган замонавий юридик техниканинг талаблари асосида «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг юридик конструкцияси, ундаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўғри жойлашуви таъминланишида қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича Ички ишлар вазирлиги экспертлар гуруҳи томонидан инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 7 июндаги 33/943-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг юридик техника талаблари асосида мукамал бўлишига хизмат қилган;

ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашга оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг концепцияси ва тузилиши (структураси)нинг ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 4 октябрдаги 01-1/785-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳасини тайёрлаш ва уни асослантиришга хизмат қилган;

қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашнинг методологиясига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 20 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда

тутган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (ҚЛ–325-сон) Қонуни лойиҳасини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 06/2-02/2-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 13 декабрдаги 3/22-3566/1-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш услубий кўрсатмаларнинг такомиллашувига хизмат қилган;

юридик хизматларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ вазифа ва функцияларини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Юридик таъминлаш ва мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси тўғрисида»ги низом лойиҳасини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2018 йил 25 апрелдаги 15/25-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Миллий гвардия юридик хизматларининг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш фаолиятини такомиллаштиришга ҳисса қўшган;

ички идоравий ҳужжатларни тайёрлашнинг қоидаларини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида Ички идоравий ҳужжатларни тайёрлашнинг қоидаларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2018 йил 12 октябрдаги 5337-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ички идоравий ҳужжатларни юридик техника талаблари асосида ишлаб чиқишнинг қоидаларини такомиллаштирган;

ҳуқуқий фаолиятнинг конституциявий ҳуқуқий муносабатлардаги аҳамиятига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вазирлик олий таълим муассасалари учун тавсия қилинган ўзбек ва рус тилидаги «Конституциявий ҳуқуқ»<sup>4</sup> дарслигининг тегишли бобларида ўз аксини топган (2014 йил 15 август, 2-сон). Илмий натижалардан фойдаланиш имтиёз ва чекловларнинг фақат қонунларда белгиланиши зарурлигини

---

<sup>4</sup> Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (XI боб) // Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 224–248.

асослашга ва конституциявий ҳуқуқий нормаларнинг ҳуқуқий фаолиятда қўлланилишининг методологик асосларини ёритишга ҳисса қўшган;

ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқ ижодкорлигининг мазмун-моҳиятига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вазирлик таълим муассасалари учун тавсия қилинган «Юридик тайёргарлик»<sup>5</sup> дарслигининг тегишли бўлимларида ўз аксини топган (2014 йил 14 ноябрь, 4-сон). Илмий натижалардан фойдаланиш ҳуқуқий фаолиятда муҳим аҳамиятга эга бўлган «ҳуқуқий муносабат», «ҳуқуқ ижодкорлиги» ва «ҳуқуқни амалга ошириш» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ҳамда ижтимоий, сиёсий, техник, диний ва ҳуқуқий ҳуқуқий нормаларнинг фарқли жиҳатларини чуқурроқ ёритишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, «Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2013), «Давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2015), «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2015), «Одил судловнинг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамияти» (Тошкент, 2015), «Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси» (Тошкент, 2015), «Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш – қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим йўналиши» (Тошкент, 2015), «Халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммолари: назария ва амалиёт масалалари», (Тошкент, 2015), «Давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016), «Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари» (Тошкент, 2016), «Законность и правопорядок в современном обществе» (Новосибирск, 2016), «Фуқаролик ҳуқуқини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2017) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 252 саҳифани ташкил этган.

---

<sup>5</sup> Давлат ва ҳуқуқ асослари (биринчи бўлим, 1–4 боб), Конституциявий ҳуқуқ (иккинчи бўлим, 5–7-боб) // Юридик тайёргарлик: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 7–163.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ҳуқуқий фаолият ва юридик техниканинг назарий-методологик асослари»** деб номланиб, унда «ҳуқуқий фаолият» ва «юридик техника» тушунчалари ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги, юридик техниканинг тарихи ва ривожланиш тенденцияси, методологик асослари, юридик техниканинг асосий қоида ва таркибий элементлари билан боғлиқ масалалар батафсил ёритилган ҳамда олимларнинг бу борадаги фикрлари таҳлил этилган.

Олимлар, мутахассис ва айрим тадқиқотчилар томонидан «ҳуқуқий фаолият» ва «юридик техника» тушунчалари бўйича билдирилган фикрлар ва улар асосида шакллантирилган муайян таърифлар таҳлил этилар экан, ушбу таърифларнинг мазмун ва моҳиятан ўхшашлиги ёки муайян жиҳатлари бир-бирини такрорлашини диссертант «ҳуқуқий фаолият» ва «юридик техника» тушунчаларини таҳлил этиш орқали ёритади ҳамда ушбу тушунчаларнинг таркибий қисмларини очиб берадиган маълум меъёрлар ёхуд қатъий қоидалар мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Шу сабабли, ушбу меъёр ва қоидаларни шакллантириш учун, энг аввало, «ҳуқуқий фаолият» ва «юридик техника» тушунчаларини очиб беришга асос бўлувчи ўзига хос, ўзаро алоқадор бўлган белгилар ёритиб берилади ҳамда уларнинг аниқ чегараси кўрсатилиб, илмий жиҳатдан асослантирилади.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқий фаолият – ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури ва у иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа турдаги фаолият турлари билан ўзаро алоқадорликда намоён бўлади, давлатнинг иродаси ифодаланадиган ҳамда мустаҳкамланадиган ҳуқуқий нормалар асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий фаолият – ҳуқуқий фаолият қатнашчиларининг онгли-иродали ҳаракатлари натижаси. Уларнинг онгли-иродали характери бир-бири билан боғлиқ бўлган икки жиҳатда намоён бўлади: биринчидан, ҳуқуқий фаолият қонун чиқарувчининг иродаси ва хоҳиши туфайли яратиладиган нормалар асосида вужудга келади; иккинчидан, уларнинг мазмунида мавжуд бўлган давлат – ҳуқуқий кўрсатмалар, шунингдек, ҳуқуқ нормаларига асос қилиб олинган юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар шахсларнинг онгли-иродали ҳаракатлари туфайли амалга оширилади.

Ҳуқуқий фаолият ижтимоий ҳаётнинг юридик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ўзгаришларига ёрдам беради. Бунга мавжуд ҳуқуқ нормаларини ўзгартириш, янги ҳуқуқий нормаларни яратиш, уларни шарҳлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш ва татбиқ қилиш ёрдамида эришилади. Ҳуқуқий фаолият гипотезалар, ғоялар, тушунчаларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, юридик амалиёт атрофидаги ҳақиқатнинг объектив-реал ўзгаришига йўналтирилган бўлади, бу юридик техника орқали амалга ошади.

Юридик техника, ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида ҳам намоён бўлади, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш билан бир қаторда, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллашда ҳам катта аҳамият касб этади. Юридик техника юридик амалиётда қонун ижодкорлиги, қонунни қўллаш ва татбиқ этиш масалаларида намоён бўлиб, юридик ҳужжатнинг аниқ, тушунарли бўлиши ва турли қарама-қаршилик ҳамда такрорлашларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ўз навбатида, бу жиҳатларни муайян даражада юридик техниканинг ҳуқуқий фаолиятдаги кўриниши ҳам дейиш мумкин.

Шунингдек, ҳуқуқий фаолият ва юридик техника моҳиятан бир бири билан узвий боғлиқлиги куйидагиларда намоён бўлиши илмий асослантирилади:

*биринчидан*, ҳуқуқий фаолият ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуқ нормаларига асосланганлиги боис ҳуқуқий нормаларнинг мукамал бўлишини тақозо этади. Бундай мукамалликка юридик техниканинг самарали қўлланиши орқали эришилади;

*иккинчидан*, ҳуқуқий фаолият ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқ нормаларига асосланиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини юридик техника талаблари асосида ишлаб чиқишни талаб этади;

*учинчидан*, ҳуқуқий фаолият ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш орқали амалга оширилади. Чунки ҳуқуқ нормалари тўғри тушунилмаса ҳуқуқий бўлмаган, яъни ҳуқуққа зид фаолият амалга ошиши мумкин. Шу сабабли юридик техника талаблари асосида ҳуқуқ нормалари тўғри шарҳланиши лозим;

*тўртинчидан*, ҳуқуқий фаолият ижтимоий ҳаётнинг юридик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ўзгаришларига ёрдам беради. Бунга мавжуд ҳуқуқ нормаларини ўзгартириш, янги ҳуқуқий нормалар яратиш, уларни шарҳлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш ва татбиқ қилиш ёрдамида эришилади. Бу эса юридик техника қоидалари орқали амалга оширилади.

Диссертантнинг фикрича, юридик техника ҳар қандай ҳуқуқий фаолиятда намоён бўлади ва ҳуқуқий фаолият субъектларини шартли равишда учга бўлиш мумкин:

биринчиси, кундалик иш жараёнида профессионал юридик фаолият билан шуғулланувчилар (юридик хизматларнинг ходимлари, суд,

прокуратура, адлия, ички ишлар органлари ва бошқалар). Бу тоифадаги шахслар юридик ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини уларга кўйиладиган талабларни нисбатан яхшироқ билади. Шу билан бирга, улар профессионал юридик амалиёт билан шуғулланувчи шахслар ҳисобланади. Улар кундалик фаолиятида юридик техника қоидаларига асосланади. Кўпинча улар томонидан тузиладиган ҳужжатларнинг юридик техника нуқтаи назаридан талаблари ҳам муайян ҳужжатларда акс этади. Масалан, тергов-процессуал ҳужжатларини тузиш қоидалари Жиноят процессуал кодексида, маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни расмийлаштириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ва бошқалар;

иккинчиси, кундалик иш фаолияти у ёки бу даражада ҳуқуқий фаолият билан боғлиқ бўлган шахслар (бошқарув идоралари, кадрлар бўлими ходимлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, масъул ходимлари ва бошқалар). Бу тоифа ходимлар ҳам кундалик фаолиятда юридик техника талаблари ва қоидаларига муайян даражада мурожаат қилишади. Масалан, ташкилот раҳбари ишга олиш, бўшатиш, интизомий жазолаш тўғрисида буйруқ чиқаради ва бошқа кўплаб ҳужжатларга имзоси орқали юридик мазмун беради.

учинчиси, барча жисмоний шахслар (оддий фуқаролар) зарурат нуқтаи назаридан ҳуқуқий муносабатга киришади, содда бўлса-да, юридик техника қоидаларига мурожаат этишади. Масалан, ариза билан мурожаат этиш, шартнома тузиш ва ҳоказо. Юридик техника мазкур субъектларнинг ҳуқуқий фаолияти тизимли амалга ошиши ва мамлакат ҳуқуқий тизимига мувофиқ бўлишини таъминлашда ҳам зарурий аҳамият касб этади.

Муаллиф юридик техниканинг шаклланиши ва ривожланишини: 1) қадимги давр; 2) ўрта асрлар; 3) янги давр; 4) энг янги даврга бўлиб ўрганади ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, бошқарувда маълум қонун-қоидаларга асосланиш, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари, қонун ва қонун ости ҳужжатларининг сифати, ҳуқуқий тартиботни таъминлашдаги ўрни, аҳолининг ҳуқуқий онги, маданияти, саводхонлиги ва бошқа шу кабилар юридик техника ҳақидаги таълимот ҳамда назарияларни шакллантирганига эътибор қаратади.

Шу билан бирга, юридик техниканинг тарихи ҳақида сўз юритганда, кўпинча, хорижий давлатларга тааллуқли масалаларга эътибор қаратилишини таъкидлаб, аслида мамлакатимизда ҳам юридик техниканинг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос тарзда намоён бўлганлигини эътироф этган ҳолда қарийб 3000 йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган Ўзбекистоннинг қадимий тарихини баён этувчи нодир манбалар асосида юртимизда юридик техниканинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалишини исботлашга ҳаракат қилади. Хусусан, мамлакатимизда юридик техниканинг дастлабки кўринишлари эраמידан олдинги бир минг йилликларга бориб тақалишини «Авесто» мисолида кўрсатиб, ушбу манба

ўзига хос услубда битилганлиги, яъни, жиноят, оила, никоҳ, суд, фуқаролик, ҳарбий ишларга оид ҳуқуқий нормалардан ташкил топганлиги таъкидланади.

Ўрта асрларда юртимизда юридик техниканинг ривожланишига ҳисса қўшган манбалардан бири Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» асари эканлиги, мазкур асар нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё, бутун Ислом ҳуқуқшунослиги учун энг йирик ҳуқуқий манба, юридик техниканинг ўзига хос намунаси эканлиги таърифланади.

Шунингдек, юридик техниканинг шаклланиш ва ривожланишида, албатта, Амир Темур ва темурийлар салтанати ҳамда ўз даврининг Конституцияси (асосий қонуни) даражасидаги ҳужжат бўлган «Темур тузуклари» ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва бу ҳужжат ўзига хос юридик қоидалар асосида ишлаб чиқилганлиги, унда фуқаролик, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари бўйича маълум нормаларнинг мавжудлиги асосланганлиги таъкидланади.

Ўзбекистонда янги даврда юридик техника ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, мамлакатимиз ҳуқуқий тизими романа-герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлганлиги боис, ушбу ҳуқуқий тизимга хос давлатларнинг тажрибаси ҳамда ўзимизга хос миллий хусусият ва кадрларимиздан келиб чиқиб шаклланиши кўрсатиб берилди.

Юридик техникани тадқиқ этишда унинг методологик асосини аниқлаштириш ва унга асосланиш муҳим ўрин тутди. Шу боис, тадқиқот ишида юридик техниканинг методологик асосларига алоҳида урғу берилди. Юридик техниканинг мазмун-моҳиятини табиат ва жамият қонуниятлари билан уйғунликда тадқиқ этиш ижтимоий зарурат ҳисобланади. Унинг самарали қўлланилиши натижасида жамиятда ижтимоий муносабатлар самарали тартибга солинади. Шу билан бирга, юридик техника ҳуқуқ назариясининг умумий илмий, махсус ва хусусий илмий методларига асосланади. Умумий илмий методлар табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларини ўрганишда қўлланиладиган энг умумий ёндашувлар, усуллар, билишнинг умумий принципларидир. Махсус ва хусусий илмий методлари эса мантиқий метод, тарихий метод, системали-структуралӣ ўрганиш методи, қиёсий-ҳуқуқий метод, аниқ-социологик метод, статистик-математик метод, кибернетика методи ва бошқалар.

Юридик техника кенг доирада ҳар томонлама таҳлил этилиши лозимлиги, ҳуқуқий фаолият ҳамда яратилаётган юридик ҳужжатлар бевосита табиат ва жамият диалектикасига асосланганида борлиққа ҳақиқий таъсир этиш имкониятига эга бўлиши илмий асосланганлиги.

Диссертантнинг фикрича, юридик техника мураккаб тузилишга эга бўлиб, қуйидагича таснифланади: юридик ҳужжатларни яратиш техникаси (ҳалқаро ҳужжатлар, қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, ҳуқуқни амалга ошириш ҳужжатларини тузиш техникаси); юридик ҳужжатларни нашр этиш (эълон қилиш) техникаси; юридик ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш техникаси; юридик ҳужжатларни тизимлаштириш техникаси;

юримдик ихтилофларни бартараф этиш техникаси; юримдик хужжатларни шарҳлаш техникаси; ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш техникаси; ҳуқуқий маълумот, ҳодиса ва воқеаларни тартибга солиш ҳамда тизимлаштириш техникаси ва бошқалар.

Муайян норматив-ҳуқуқий хужжатнинг устида ишлашда дастлаб яратилаётган унинг қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солишини аниқлаш, кейин эса ижтимоий муносабатлар қандай нормалар билан ва қай йўсинда тартибга солиниши мумкинлигини, ечим талаб қилаётган муаммони, қонунчиликда бу масалада бўшлиқ ёки бир-бирига зид нормалар, такрорлашларнинг бор-йўқлигини аниқлаш ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этиш лозим.

Норматив-ҳуқуқий хужжат эскисини бекор қилиш орқали яратилаётган бўлса, ундаги камчиликларни тўлиғича ва ҳар томонлама ўрганиш керак. Яъни, қуйидаги саволларга жавоб бериш зарур: норматив-ҳуқуқий хужжат ғоявий ва маънавий жиҳатдан эскирганми ёки ундаги нормалар лозим даражада ишлаб чиқилганми? Балки қонунчилик хужжати фақатгина таҳририй ишлар ва техник қоидалар орқали маромига етказилиши мумкинми? Чунки ортикча куч сарфлаб, уни бутунлай қайта ишлаб чиқишдан кўра, мавжуд камчиликларни бартараф этиш осонроқ бўлиб, айнан шу камчиликлар устида кўпроқ ишлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Қонунчилик техникаси юримдик техниканинг муҳим таркибий қисми сифатида**» деб номланган иккинчи бобида қонунчилик техникасининг мазмуни ва асосий талаблари, қонунчилик техникаси талаблари бажарилишида парламент процедураларининг аҳамияти, парламент маданияти каби масалалар таҳлил этилади.

Маълумки, ҳуқуқий давлат шароитида ижтимоий муносабатлар кўпроқ ва мукамал қонунчилик асосида тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, тадқиқотчи ижтимоий муносабатларнинг қонунлар ёрдамида мукамал тартибга солинишида қонунчилик техникасининг аҳамияти юқори эканлигига алоҳида урғу беради.

Муаллиф қонунчилик техникасининг икки асосий вазифасига эътибор қаратиб, биринчиси – қонун лойиҳаларини шаклан тўғри тузилишини таъминлаш, иккинчиси – маъно ва мазмун жиҳатидан тўғри бўлишига эришиш эканлигини таъкидлайди.

Қонуннинг шаклан тўғри тузилишини унинг номланиши, муқаддимаси, бўлим, модда ва қисмларида кўриш мумкин бўлса, ички тузилиши қонундаги жумлаларнинг мантиқан ва мазмунан тўғри тузилганлиги, юримдик конструкция ва лингвистика қоидаларига асосланганлиги билан изоҳланишига эътибор қаратилади. Бу каби масалаларнинг барчаси қонунчилик техникаси қоидалари орқали мувофиқлаштирилиши, яъни қонунчилик техникаси қонун лойиҳаларининг шаклан ҳамда маъно ва мазмун жиҳатидан тузилиши узвий ҳамда мукамал бўлишини таъминлаши асослантиради.

Диссертантнинг фикрича қонун нормаларини маъно ва мазмун жиҳатидан тўғри ишлаб чиқишда қуйидаги қоидаларга асосланиш лозим:

қонун нормаларида имкон қадар мавҳум тушунчаларга йўл қўймаслик;  
тартибга солиниши назарда тутилаётган ижтимоий муносабатларни қонун нормаси тўлиқ қамраб олишига эришиш, яъни қонун нормасида бўшлиқ бўлмаслиги;

мукамал юридик конструкцияни ҳосил қилиш;  
қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларнинг мантиқий ва изчил бўлишини таъминлаш; нормалардаги талаб, қоида ва ҳар қандай тушунчанинг имкон қадар содда ва ҳаммага тушунарли бўлишига эришиш;

қонун матнининг неча марта, ким томонидан ўқилишидан қатъий назар, бир хил тушунилишини таъминлаш;

қонунларда муқобил ва ҳавола этувчи нормаларни тўғри ишлаб чиқиш;  
тилшунослик қоидаларига тўлиқ амал қилиш;

қонун нормаларининг ғоявий жиҳатдан тўғри бўлишига эришиш;  
қонун нормасида, умуман ҳуқуқ тизимида фикрий ва маъно бўйича зиддиятларга йўл қўймаслик;

сўз ва жумлаларнинг ҳис-ҳаяжондан холи бўлиши.

Шунингдек, муаллиф «парламент тартиб-таомиллари» тушунчаси ўрнига «парламент процедуралари» тушунчасини ишлатишни ёқлаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлатилаётган «тартиб-таомил» ибораси, «процедура» сўзининг маъносини беришга қодир эмаслигини асослайди. «Тартиб» – маълум изчиллик, режа, қонун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолатни билдиради. «Таомил» эса бирор жамиятда одат, ҳукмга кирган тартиб-қоида, расм, анъана маъносида ишлатилади. Процедура сўзи, «тартиб-таомил» сўз бирикмасига нисбатан кенгроқ бўлиб, «ҳаракатланяпман» деган маънони англатувчи лотинча «procedo» ва французча «procedure» – сўзларидан олинган. «Процедура» муайян ишларни кўриб чиқиш ва амалга ошириш тартибини билдиради, деган хулосага келади.

Парламент процедуралари қонунчилик техникаси талабларининг таъминланишида муҳим аҳамият касб этиши тадқиқот ишида турли мисоллар ёрдамида асослантирилади. Хусусан, қонун лойиҳасининг қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан парламентга тақдим этилиб то лойиҳанинг маъқулланишига қадар бўлган жараёнлар қонунчилик техникаси талабларини таъминловчи процедуралар эканлигига урғу берилади. Ҳозирги кунда парламент процедуралари шунчаки қонунларни ишлаб чиқиш босқичлари эмас, балки илмий асосланган, амалда синалган ва мукамал ижодий жараён бўлиши зарурлигига эътибор қаратилиб, мамлакатимиз парламенти икки палатали тизимга ўтганлигининг боиси ҳам шунда эканлиги таъкидланади.

Парламентнинг асосий вазифаси, кенг маънода, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни халқ иродасига асосланган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Бу вазифани адо этишда асосий ўринни парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти эгаллайди. Парламент халқ ишончини

қозониши ва самарали фаолият юритиши учун парламент маданиятининг юқори бўлиши муҳим.

Шу билан бирга парламент аъзоларининг қонунчилик техникаси борасида юқори даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши парламент маданиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти самарасини ошириш кўп жиҳатдан парламент аъзоларидан юридик билимларни мукамал эгаллашни, айниқса қонунчилик техникаси борасида мутахассис бўлишни талаб этади. Қабул қилинган қонунларнинг қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан қанчалик тўғри ифодаланганлиги парламент маданиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли тадқиқот ишида парламент маданияти масаласига алоҳида урғу берилади.

Муаллиф қонунларни қабул қилишда, миллий маданиятимизнинг бир қисми ҳисобланмиш кадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатлар ва менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда, қонуншунос куйидагиларга ҳам эътибор бериши лозим, деб ҳисоблайди:

миллий мафкура ва кадриятларимиз инобатга олинганлигига; аҳолининг ҳуқуқий маданиятига;

инсонпарварлик принципига; фуқароларнинг ижтимоий аҳволига; умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг уйғунлигига;

фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлиги таъминланишига; келажак авлоднинг тақдири инобатга олинганлигига; қонунларнинг имконияти тўғри баҳоланганлигига.

Мамлакатимиз парламенти ислоҳ қилиниб, икки палатали тизимга ўтишидан кўзланган асосий мақсад, қонун ижодкорлиги жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш. Бу мақсадга эришишда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш, Олий Мажлис палаталари, қўмиталари, комиссиялари томонидан лойиҳаларни муҳокама қилиш ва қабул қилишда қонунчилик техникасининг талаблари бекаму кўст таъминланишига эришиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, тадқиқот ишида парламент маданияти ва қонунчилик техникаси узвий тушунчалар эканлигига тўхталиб, қонунчилик техникаси талаблари асосида яратилган қонунлар парламент маданиятининг юқори даражасини намоён этувчи жиҳатлар эканлиги таъкидланади.

Диссертациянинг **«Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик техниканинг методологик аҳамияти»** деб номланган учинчи бобида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик техниканинг зарурати, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятида юридик техникани қўллаш методикаси, ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик техниканинг аҳамияти билан боғлиқ масалалар таҳлил этилади.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақбуллиги, мукамаллиги, халқчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мукамал қонунчилик ва унинг талаблари ҳаётга татбиқ этилиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида умумэътироф этилган қоидаларга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари алоҳида тавсифланиб келинса-да, мантиқий олиб қаралганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам ҳуқуқни қўллаш хусусияти борлигига тадқиқот ишида эътибор қаратилади. Шу сабабли қонунлар билан бир қаторда қонун ости ҳужжатларининг ҳам мукамаллигини таъминлашда юридик техника талабларига эътибор бериш зарурлиги илмий асослантирилади.

Шунингдек, бугунги кунда вазирлик, давлат қўмитаси ва идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни умумлаштирувчи ном билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб аталиши қонун ҳужжатларида белгиланганлиги, аммо Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини умумий ифодаладиган тушунчалар мавжуд эмаслиги, улар ҳақида гап кетганда «Президентнинг ҳуқуқ ижодкорлиги», «Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги», «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги» тарзида сўз юритилиши илмий таҳлил этилиб, уларнинг ҳуқуқий фаолиятдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилади.

Шу билан бирга, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги – вазирлик, давлат қўмитаси ва идоралар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган фаолият эканлиги таъкидланади.

Ҳозирда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни камайтириш чораларини кўриш лозимлигига урғу берилиб, бундай ҳужжатларнинг кўпайиши уларнинг ҳисобини юритиш ва ижрога қаратиш амалиётида муайян қийинчиликлар туғдириши ҳамда қонунларнинг ўзида тўғридан-тўғри ижро механизмлари бўлишига эътибор бериш муҳим эканлиги, айтилган вақтда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишни камайтирган ҳолда уларни тўғри расмийлаштириш, юридик мазмун бериш ва умуман олганда сифатини ошириш лозимлиги илмий асослантирилади.

Диссертантининг фикрича, давлат ва ҳуқуқ назариясида «юридик техника» ва «қонунчилик техникаси» тушунчаларининг фарқи хусусида муайян назарий хулосаларга келинган бўлса-да, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида икки тушунчани бир маънода ишлатиш амалиёти кузатилади. Масалан, Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий

экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар»нинг номланишида «юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш» ибораси ишлатилган бўлса-да, унинг ҳуқуқий экспертиза билан боғлиқ матнида (82,83,85,87,111-бандларда) лойиҳаларнинг «қонунчилик техникаси қоидаларига» мувофиқлиги хусусида сўз юритилади. Аслида бундай вазиятда «қонунчилик техникаси» тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлган, «юридик техника» иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида илмий мушоҳада юритилади.

Шунингдек, давлат ва ҳуқуқ назариясида қонунларнинг хусусияти тўғрисида кўп муносабат билдирилса-да, буйруқ, қарор, низом, қоида ва йўриқномаларнинг хусусияти ҳақида у қадар кўп эътибор берилмаслиги, ушбу ҳужжатларнинг фарқини айрим ҳуқуқшунослар ҳам ажратишга қийналиши асослантрилиб, мазкур муаммони бартараф этиш учун ушбу тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятига юридик таълим муассасаларида «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани ҳамда «Юридик техника» курсларини ўргатиш давомида чуқурроқ эътибор қаратиш зарурлиги асослантрилади.

Диссертантнинг таъкидлашича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ қоидалар ифодаланган кўпгина қонун ҳужжатларида «юридик техника» ва «қонунчилик техникаси»нинг қоидаларига асосланади, тарзида иборалар ишлатилса-да, уларнинг қоидалари нималардан иборатлиги аниқ ифодаланган бирон-бир ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Шу боис, юридик техника ва қонунчилик техникасининг қоидаларини акс эттирувчи умумий барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун татбиқ этилиши кўзда тутиладиган қоидалар ишлаб чиқилиб, Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, тадқиқотчи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик техника талаблари асосида бўлиши учун юридик хизмат ходимлари қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозимлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўз хусусиятидан келиб чиқмоғи, яъни ўша ҳудуднинг ўзига хослиги, аҳолининг менталитети ва ижтимоий аҳволи инобатга олинган ҳолда, айтилиши вақтда, юқори турувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив ҳуқуқий-ҳужжатларининг таъсир доираси ёки ҳудуди аниқ бўлишига;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий экспертиза давомида аниқланган камчиликларни кўрсатиб ўтиш билан чекланилмасдан, уларни бартараф этишнинг йўллари кўрсатиб бериш ва амалий ёрдам кўрсатишга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича билдирган ҳар қандай эътирози асослантрилишига.

Тадқиқотчи ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қўйиладиган умумий юридик техника талабларига ҳам эътибор қаратиб, уларнинг қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлайди: юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос бўлиши; ҳуқуқни қўлловчи орган ёки мансабдор шахснинг ваколати доирасида қабул қилиниши; ҳар томонлама асослантирилган бўлиши; ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига расмий тус берувчи барча зарур реквизитларга (ҳужжатнинг номи, қабул қилиниш жойи ва вақти, мазкур ҳужжатни қабул қилган орган номи, тегишли муҳр, имзонинг мавжудлиги ва ҳоказо) эга бўлиши; юридик тил қоидаларига амал қилинганлиги; коррупциявий омиллардан ҳоли бўлиши; инсон ҳуқуқларини камситишга олиб келадиган қоидаларнинг бўлмаслиги ва бошқалар.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида унинг ижодкорлари инсон омили билан боғлиқ қуйидаги камчиликларга йўл қўйиши мумкинлиги асослантирилади:

1) ҳуқуқни қўлловчи иш бўйича маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва қарор қабул қилишда камчиликларга йўл қўяди, натижада яратилган ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳам камчиликлардан иборат бўлиши;

2) ҳуқуқни қўлловчи иш бўйича маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва қарор қабул қилишни тўғри бажаради, бироқ ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини ифодалаш ҳамда расмийлаштиришда камчиликларга йўл қўйиши;

3) ҳуқуқни қўлловчи иш бўйича маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва қарор қабул қилиш ишларида ҳам ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини ифодалаш ҳамда расмийлаштиришда ҳам камчиликларга йўл қўйиши.

Шу боис, адлия органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини изчил рўёбга чиқариш борасидаги фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг мазкур соҳада йўл қўйиладиган қонун бузилиши ҳолатларини тизимли асосда таҳлил этиб бориш вазифасидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини расмийлаштиришнинг энг умумий талаблари акс эттган намунавий махсус қоидалар Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши таклиф этилиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини унификациялаш, яъни уларнинг шаклларини бир турга келтириш барча ҳуқуқни қўллаш субъектлари учун мажбурий стандарт шаклларини жорий этиш орқали кенгроқ амалга оширилиши мумкинлиги илмий асослантирилади.

Тадқиқотчи ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг турлари жуда кўплиги уларга қўйиладиган талабларнинг ҳам турличалигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари билан ҳуқуқшунос бўлмаган турли шахслар (ҳисобчилар, шифокорлар, ўқитувчилар ва бошқалар) ҳам шуғулланишини инобатга олиб, бундай ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг техник қоидалари қўшимча машғулотлар, махсус курс ва семинарлар орқали етказилишини зарур, деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг хулосасига кўра, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг доираси жуда кенглиги боис, ушбу масалада алоҳида илмий тадқиқот мавзулари шакллантирилиши ва шу доирада изланишлар олиб борилиши

мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг юридик техника талаблари асосида ишлаб чиқилиши қонунийликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланади. Унда ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш йўналишлари, юридик лингвистиканинг талаблари, юридик техникани қўллашда ҳуқуқий экспертизанинг аҳамияти, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш борасидаги хорижий тажриба каби масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур бобни ёритишда муаллиф қуйидаги қатор муаммоларга эътибор қаратади:

*биринчидан*, бугунги кунда амалиётда баъзан дастлаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзи ишлаб чиқилиб, лойиҳани қабул қилиш учун киритиш арафасида унинг концепцияси ишлаб чиқиладиганлиги натижасида бўлғуси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга ошириш механизмида муаммоларнинг кузатилиши ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлишига олиб келаётганлиги;

*иккинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юқори турувчи қонун ҳужжатларига ўзаро мувофиқлигини таъминлашда муаммоларнинг мавжудлиги (масалан, «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида мазкур қонунларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади, дейилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади);

*учинчидан*, ҳаволаки нормаларни юридик техника талабларига номувофиқ қўллаш ҳолатлари кузатиладиганлиги (масалан, 23 моддадан иборат «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунда 20 дан ортиқ ҳаволаки норманинг мавжудлиги);

*тўртинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда муаммолар мавжудлиги (бу соҳада малакали мутахассисларнинг камлиги);

*бешинчидан*, бир ижтимоий муносабатларнинг турли қонун ҳужжатларида тартибга солинадиганлиги (масалан, биргина суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар қуйидаги бешта – «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Ишлаб

чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунларда тартибга солинган) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сон жиҳатидан ошиб кетиши ва улардан фойдаланишнинг қийинлашишига олиб келаётганлиги;

*олтинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини илмий-назарий жиҳатдан асослантиришда муаммолар кузатилаётганлиги, бу масалада замонавий ҳуқуқий доктринага, яъни янгича демократик ҳуқуқий тафаккур, илғор ҳуқуқий қарашлар, назарий умумлашма ҳамда қоидалар тизимига асосланиш етарлича амалга оширилмаётганлиги ва бошқалар.

Диссертант юридик техниканинг ҳуқуқий фаолиятда доимий зарурий аҳамият касб этиши, юридик техникани қўлловчи субъектларнинг доираси кенглиги ва турли соҳа вакилларида иборатлиги, юридик техниканинг такомиллашуви ҳам муайян соҳа доирасида юз бериши, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг энг умумий жиҳатларига «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани доирасида эътибор берилиши зарурлигига урғу бериб, хусусий жиҳатлари бошқа ҳуқуқшуносликка оид фанлар («Жиноят процессуал ҳуқуқи», «Маъмурий ҳуқуқ» ва бошқа фанлар) орқали ўрганилишини асослантиради.

Айни вақтда, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш учун нафақат «Ҳуқуқшунослик» балки, «Мантиқ», «Фалсафа» каби фанларнинг ютуқларидан фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилади. Чунки ҳуқуқий фаолият ижтимоий фаолиятнинг бир тури бўлиб, жамият ва давлат ҳаёти билан узвийликда амалга ошади. Шу боис, тадқиқот ишида ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш методикасини такомиллаштириш ҳам турли соҳа ва фанларнинг ютуқлари ҳамда имкониятларидан фойдаланишни тақозо этиши таъкидланади.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг самарадорлигини ошириш куйидаги омиллар билан боғлиқ: биринчи омил – юридик техника талабларидан иборат қонунчиликни такомиллаштириш; иккинчи омил – юридик техника талабларини қўллаш тизимини такомиллаштириш; учинчи омил – ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўлловчи субъектларнинг билими ва малакасини юксалтириш; тўртинчи омил – ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни тизимли мониторинг қилиб бориш; бешинчи омил – ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқотлар олиб бориш; олтинчи омил – хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва миллий ҳуқуқий тизимимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш.

Шунингдек, ҳуқуқий фаолиятнинг муҳим жиҳати бўлмиш қонунчилик ҳужжатларининг грамматик қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда соф адабий тилда ёзилишини таъминлаш, келгусида англашилмовчиликлар келиб

чиқмаслиги учун умумий қабул қилинган адабий шакллардан четлашишга йўл қўймаслик зарурлиги илмий таҳлил этилади. Айни вақтда, қонун ҳужжатлари матнида ишлатиладиган сўзларни танлашга алоҳида эътибор бериш лозимлиги, яъни сўзнинг асл ва қўчма маъноларини аниқлаш ҳамда қонун ҳужжатларида имкон қадар асл маъносида ишлатиш, шу билан бирга, тил муттасил ривожланиб борувчи ҳодиса бўлгани боис, сўзларнинг маъноси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда сўз ва атамаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган пайтдаги маъносида қўллашни назарда тутадиган қоидага қатъий риоя этиш лозимлиги илмий асослантирилган.

Диссертант атамаларни ўринли қўллаш қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг ихчамлашуви ҳамда самарадорлигини таъминлашига урғу берган ҳолда атамалардан фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди: умумқабул қилган атамаларни бир маънода ҳамда расмий юридик амалиётда қўлланиладиган тушунча ва атамаларга мос равишда ишлатиш зарур; қонун муайян соҳа вакилларига мўлжалланган бўлса, махсус атамаларни қўллаш мумкин, аммо кенг аҳоли оммасига мўлжалланган бўлса, умумистеъмолдаги атамаларни ишлатган маъкул.

Жамият ва давлат тараққиёти кўп жиҳатдан халқаро муносабатларга боғлиқ. Бу масала қонунчилик борасида ҳам долзарб аҳамият касб этади. Давлатларнинг ҳуқуқий тизими бир-бирларидан айри ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Ҳозирда миллий ҳуқуқ нормаларининг бир-бирига ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига таъсири кучаймоқда. Шу боис, тадқиқот ишида ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш борасидаги хорижий тажрибага алоҳида эътибор берилиб, ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Германия, Россия, Франция, Швейцария, Польша ва Белорусь давлатларининг тажрибаси ўрганилиб, таҳлил этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш борасидаги хорижий тажрибани таҳлил этиш ушбу масалага оид янги ва замонавий йўналишларни ишлаб чиқишга, дунё амалиётини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этишга, уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этишга имкон яратади.

Диссертант ушбу масалага оид фикрларини билдириб, ҳозирда миллий ҳуқуқ нормаларининг бир-бирига ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига таъсири кучайганлиги уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлайди. Бу эса юридик техника орқали амалга ошади. Айни вақтда ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашга оид илғор хорижий тажрибани доимий ўрганиб бориш, уларнинг синовдан ўтган ва менталитетимизга мос ижобий жиҳатларини амалиётга жорий этиб бориш муҳим эканлиги тадқиқотчи томонидан илмий асослантирилади.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар илгари сурилади:

**Биринчи йўналиш. Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш методологиясига доир назарий билимларни кенгайтириш ҳамда бойитишга хизмат қилувчи илмий хулоса ва тавсиялар:**

1. «Ҳуқуқий фаолият» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади: *«Ҳуқуқий фаолият – ижтимоий фаолиятнинг шаклларида бири бўлиб, давлат томонидан ҳимоя қилинган ва қафолатланган, ҳуқуқ нормаларига асосланган тизимли ва мақсадга йўналтирилган жараён ва ҳаракатлар мажмуи».*

2. «Юридик фаолият» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади: *«Юридик фаолият – профессионал фаолият бўлиб, давлат томонидан ҳимоя қилинган ва қафолатланган, ҳуқуқ нормаларига асосланган тизимли ҳамда мақсадга йўналтирилган малакали юристлар томонидан амалга ошириладиган жараён ва ҳаракатлар мажмуи».*

3. Тадқиқот натижасида «юридик техника» тушунчасини кенг ва тор маънода ифодалаш мумкин, деган хулосага келинди. Кенг маънода, *«Юридик техника – бутун ҳуқуқий тизимдаги таркибий тузилмаларнинг ташкилий қурилиши ва алоқадорлигини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндис».* Тор маънода, *«Юридик техника – юридик ҳужжатларнинг аниқ, тушунарли ва мавжуд ҳуқуқий тизимга мос тарзда ишлаб чиқиши ва самарали қўлланилиши ҳамда уларга тўғри ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндис».*

4. Юридик техниканинг белгилари қуйидагилардан иборат: 1) юридик ҳужжатлар билан алоқадорлик, яъни уларни ишлаб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, тизимлаштириш, шарҳлаш ва бекор қилиш билан боғлиқ жараёнда намоён бўлиши; 2) юридик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлаш учун ишлатиладиган қоида, усул, восита, тактика ва принциплардан таркиб топганлиги; 3) инсон тафаккури ва юридик билимларнинг зарурлиги ҳамда маданият, ижодкорлик, маҳорат ва тажрибанинг уйғунлиги; 4) мантиқ қоидаларига асосланган усул ва услублардан таркиб топганлиги; 5) юридик тил қоидалари билан узвийлиги.

5. Тадқиқот ишида «қонунчилик техникаси» тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: *«Қонунчилик техникаси юридик техниканинг мустақил ва муҳим таркибий қисми бўлиб, қонунларнинг мукамаллиги ва самарадорлигини таъминлашда ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда қўлланиладиган қоида, усул ва воситаларнинг мажмуидир».*

6. «Юридик техника» ва «қонунчилик техникаси» тушунчалари ўзаро боғлиқ, аммо айни вақтда мустақил илмий тушунчалардир. «Юридик

техника» тушунчаси «қонунчилик техникаси»га қараганда кенгроқ бўлиб, қонунчилик техникаси юридик техника қоидаларига асосланади, аммо унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

7. «Қонунчилик технологияси» «қонунчилик техникаси» тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлиб, қонунларнинг сифатини оширишга қаратилган, илмий асосланган чора-тадбирлар, принцип, восита ва усулларнинг қатъий режа асосида қўлланиши ҳисобланади. Қонунчилик технологияси қонунчилик техникасининг талабларини қонун ижодкорлиги жараёни орқали таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

8. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қўйиладиган умумий юридик техника талаблари қуйидагилардан иборат: юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос бўлиши; ҳуқуқни қўлловчи орган ёки мансабдор шахснинг ваколати доирасида қабул қилиниши; ҳар томонлама асослантирилган бўлиши; ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига расмий тус берувчи барча зарур реквизитларга (ҳужжатнинг номи, қабул қилиниш жойи ва вақти, мазкур ҳужжатни қабул қилган орган номи, тегишли муҳр, имзонинг мавжудлиги ва ҳоказо) эга бўлиши; юридик тил қоидаларига амал қилинганлиги; коррупциявий омиллардан ҳоли бўлиши; инсон ҳуқуқларини камситишга олиб келадиган қоидаларнинг бўлмаслиги.

9. Давлат ва ҳуқуқ назариясида умум эътироф этилган қоидаларга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари алоҳида тавсифланиб келинса-да, мантиқий қаралганда, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам (масалан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг) ҳуқуқни қўллаш хусусияти мавжуд.

10. Бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳам, қонунчиликда ҳам «ички идоравий ҳужжат» тушунчасига таъриф берилмаганлигини инобатга олиб, *«ички идоравий ҳужжат» тушунчасига – «Вазирлик, давлат қўмитаси ва идоралари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ички ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинадиган ва ўзлари учун мажбурий бўлган расмий ҳужжат»*, деб таъриф берилди.

**Иккинчи йўналиш. Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш методологиясини такомиллаштириш бўйича хулосалар:**

11. Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштириш бу ўз хусусиятига кўра нафақат «Ҳуқуқшунослик» билан, балки, «Мантиқ», «Фалсафа» каби фанлар билан ҳам боғлиқ. Ҳуқуқий фаолият ижтимоий фаолиятнинг бир тури бўлиб, жамият ва давлат ҳаёти билан узвийликда амалга ошади. Шунингдек, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш методикасини такомиллаштириш ҳам турли соҳа ва фанларнинг ютуқ ҳамда имкониятларидан фойдаланишни талаб қилади.

12. Ҳаволаки нормаларни ҳаддан зиёд кўп қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятини камайтириб, тартибга солишни белгиловчи ҳужжатга айланиши ва аксинча

ҳаволаки нормаларни умуман қўлламаслик қонун ҳужжатларини йўриқнома шаклига олиб келиши мумкин. Шу боис, қонун ҳужжатининг хусусиятидан келиб чиқиб, юридик техника талабларига асосланган ҳолда ҳаволаки нормаларни асосли, ўз ўрнида ва меъёрида қўллаш мақсадга мувофиқ.

13. Имкон қадар ижтимоий муносабатлар бир қонунчилик ҳужжатида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Бир ижтимоий муносабатларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши улардан фойдаланишни қийинлаштиради, баъзан турлича талқин қилиш ёки нотўғри қўллашга сабаб бўлади.

14. Атамаларни юридик ҳужжатларда ўринли қўллаш уларнинг ихчамлашуви ҳамда самарадорлигини таъминлайди. Атамалардан фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ: умумқабул қилинган атамаларни бир маъно ҳамда расмий юридик амалиётда қўлланиладиган тушунча ва атамаларга мос равишда ишлатиш зарур; юридик ҳужжат муайян бир соҳа вакилларига мўлжалланган бўлса, махсус атамаларни қўллаш мумкин, аммо кенг аҳоли оммасига мўлжалланган бўлса, умумистеъмолдаги атамаларни ишлатган маъқул.

15. Давлат ва ҳуқуқ назариясида қонунларнинг хусусияти тўғрисида кўп муносабат билдирилса-да, буйруқ, қарор, низом, қоида ва йўриқномаларнинг хусусияти ҳақида у қадар кўп эътибор қаратилмаган. Шу сабабли ушбу тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ ёритиш мақсадида юридик таълим муассасаларида «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани ҳамда «Юридик техника» курслари бўйича машғулотларнинг дастурларига алоҳида мавзулар киритиш таклиф этилади.

16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ кўпгина қонун ҳужжатларида «юридик техника» ва «қонунчилик техникаси»нинг қоидаларига асосланади, тарзида иборалар ишлатилса-да, уларнинг қоидалари нималардан иборатлиги аниқ ифодаланган бирон-бир ҳуқуқий асос йўқлигини инобатга олиб, юридик техника ва қонунчилик техникасининг қоидаларини акс эттирувчи умумий барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун татбиқ этилиши кўзда тутиладиган қоидалар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

17. Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг самарадорлигини ошириш қуйидаги бир қатор омиллар билан боғлиқ деган, ҳулосага келинди: биринчи омил – юридик техника талабларидан иборат қонунчиликни такомиллаштириш; иккинчи омил – юридик техника талабларини қўллаш тизимини такомиллаштириш; учинчи омил – ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўлловчи субъектларнинг билими ва малакасини юксалтириш; тўртинчи омил – ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни тизимли мониторинг қилиб бориш; бешинчи омил – ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқотлар олиб бориш; олтинчи омил – хорижий давлатларнинг

ижобий тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва миллий ҳуқуқий тизимимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш.

18. Ривожланган хорижий давлатларнинг юридик таълим муассасаларида юридик техника ёки қонунчилик техникаси бўйича машғулотлар ўтказилиши билан боғлиқ тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг юридик таълим беришга ихтисослашган олий ўқув юртларида ҳам 2-босқичдан бошлаб, таълим муассасасининг имкониятидан келиб чиқиб, юридик техника бўйича 50-60 соатлик ўқув машғулотлари ташкил этилиши (ушбу тажриба бугунги кунда фақат Тошкент давлат юридик университетида мавжуд) ҳамда магистратура босқичида «юридик техника» бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

19. Умуммажбурий (норматив) хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар билан умуммажбурий қоидаларни ўз ичига олмаган ҳужжатларнинг чегарасини белгиловчи методологик кўрсатмалар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

**Учинчи йўналиш. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар:**

20. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларида, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларида умумий тарзда ифода этилган қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш билан боғлиқ қоидаларни яхлит бир қонунда жамлаган ҳолда диссертация ишининг 1-иловасидаги «Хуқуқий экспертиза тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг тахминий тузилиши (структураси)га мувофиқ «Хуқуқий экспертиза тўғрисида» Қонун қабул қилиш таклиф этилади.

21. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 29-моддасига биноан, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини қоида тариқасида бир неча ўқишда кўриб чиқади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан эса, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини қоида тариқасида уч ўқишда кўриб чиқади. Бизнингча, юқоридаги нормада ҳам худди 15-моддадаги каби, аниқ қилиб, яъни қонун лойиҳаси уч ўқишда кўрилиши ҳамда вазиятга қараб қўшимча муҳокама қилиниши мумкинлиги кўрсатилиши зарур.

22. Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуни 5-моддасига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари (Қонунчилик палатаси депутатларидан ташқари) қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиганида

иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкинлиги кўрсатилган. Қонунчилик ташаббуси субъектлари ёки уларнинг вакиллари ўзлари ташаббус кўрсатган қонун лойиҳалари парламентда муҳокама қилинаётганда тўлиқ иштирок этиши юқоридаги нормада мажбурий қилиб белгиланиши лозим.

23. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига қонун билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг аниқ рўйхатини киритиш мақсадга мувофиқ.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари»ни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни қонунчилик техникасига мувофиқ расмийлаштириш қоидалари» деб номлаш ва унда қонун лойиҳаларини шаклан тўғри тузиш қоидаларидан ташқари, уларни мазмунан тўғри тузиш билан боғлиқ қоидаларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

25. Бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назариясида «юридик техника» ва «қонунчилик техникаси» тушунчаларининг фарқи хусусида муайян назарий хулосаларга келинган бўлса-да, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида икки тушунчани бир маънода ишлатиш амалиёти кузатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларнинг номланишида «юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш» ибораси ишлатилса-да, унинг ҳуқуқий экспертиза билан боғлиқ матнида (82,83,85,87,111-бандларда) лойиҳаларнинг «қонунчилик техникаси қоидаларига» мувофиқлиги хусусида сўз юритилади. Шу боис, мазкур кўрсатмаларнинг номланиши ва ички мазмунининг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида «қонунчилик техникаси» тушунчасини унга нисбатан кенгроқ бўлган «юридик техника» тушунчасига ўзгартириш таклиф этилади.

26. Юридик техника талаблари акс этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишда қулайлик туғдириш мақсадида уларни унификациялаш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар»ни, «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари»ни, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни ягона ҳужжатда жамлаш мақсадга мувофиқ.

27. Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида жуда кўп гапирилса-да, «ички идоравий ҳужжатлар»га алоҳида таъриф берилмаган. Натижада «ички идоравий ҳужжатлар» ва «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар»ни таснифлашда, уларнинг фарқини белгилашда муаммолар мавжудлигини инобатга олиб, тадқиқот ишининг 4-иловасидаги лойиҳага мувофиқ «Ички идоравий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғини қабул қилиш таклиф этилади.

28. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сонини камайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари»нинг 10-бандидаги *«битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта низомлар, қоидалар ёки йўриқномалар тасдиқлашга йўл қўйилмайди»*, тарзидаги қоида ни чиқариш таклиф этилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ички идоравий ҳужжатлар билан эълон қилиш амалиётига чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Администрацияси регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишни тақиқловчи норма киритиш мақсадга мувофиқ.

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси регламентида «фармон», «қарор» ва «фармойиш» тушунчаларини ва аниқ чегарасини белгиловчи нормаларни киритиш ҳамда диссертациянинг 3-иловасидаги намунага мувофиқ вазирлик ва идоралар тўғрисидаги намунавий низомларни ишлаб чиқиш таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Уч.23.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ  
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**БЕРДИЯРОВ ШУХРАТ НАМАЗБОЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ  
ПРИМЕНЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКОЙ ТЕХНИКИ В ПРАВОВОЙ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**12.00.01 – теория и история государства и права;  
история правовых учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам

**Ташкент –2018**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2017.3.Dsc/Yu 52  
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного Совета ([www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash](http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash)) и информационно-образовательном ресурсе «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Тультеев Ильяс Тавасович**  
доктор юридических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Азизов Нигмонжон Пардаевич**  
доктор юридических наук, доцент

**Туляганов Абдуманноп Абдужабборович**  
доктор юридических наук, доцент

**Каримова Дилафруз Равшановна**  
доктор юридических наук

**Ведущая организация:**

**Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе  
Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz))

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрировано № \_\_\_\_). (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.

(протокол реестра № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**О.Т. Хусанов**

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, профессор

**Ж.Н. Нематов**

Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

**С.М. Селиманова**

Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, доцент

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы исследования.** В странах мира юридическая техника рассматривается как основная составная часть правовой системы и одновременно в качестве одного из средств совершенствования данной системы. Поскольку каждое государство имеет свою национальную правовую систему, то и требования юридической техники в определенной степени могут различаться, так как каждое государство имеет своё законодательство, то и требования юридической техники в законодательных актах могут выражаться по-разному. Однако в правовой системе эффективность правовой деятельности во многом зависит от правильно выстроенной и применяемой методологии юридической техники. Юридическая техника по своей сущности, обладая и научной, и практической особенностью, имеет актуальное значение при обеспечении организационного построения и связи составных структур всей правовой системы.

В мире уделяется особое внимание научным исследованиям по выявлению своеобразных направлений эффективного применения юридической техники в правовой деятельности развитых стран, совершенствованию данной отрасли и обеспечению верховенства закона. В этой связи, имеют важное значение такие исследования, как обеспечение устойчивости правового регулирования общественных отношений, повышение качества процессов разработки и принятия нормативно-правовых актов, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в нормотворческий процесс, применение в нормотворчестве элементов моделей «умного регулирования», систематизация и унификация законодательных актов, совершенствование механизмов правоприменения.

В нашей стране в целях обеспечения верховенства закона и совершенствования правовой системы проводятся широкомасштабные реформы. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие задачи как «коренное повышение качества законотворческой деятельности, направленное на усиление влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ»<sup>1</sup>. А это предусматривает повышение качества законодательных актов, усиление механизмов исполнения, повторный пересмотр общих, бездействующих и не влияющих на правоприменение законодательных актов, устранение безосновательных ограничений, лишних административных процедур и устаревших механизмов правового регулирования, уменьшение в нормах законодательных актов отсылочных норм и альтернативных условий, развитие практики подготовки нормативно-правовых актов на государственном языке путем совершенствования

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

методологических основ применения юридической техники в правовой деятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит обеспечению исполнения Указов Президента Республики Узбекистан № УП–5308 от 22 января 2018 г. «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», № УП–5395 от 3 апреля 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности по правовому сопровождению осуществляемых реформ», № УП–5505 от 8 августа 2018 г. «Об утверждении концепции совершенствования нормотворческой деятельности», Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан №345 от 17 октября 2016 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию законопроектной деятельности правительства Республики Узбекистан», №538 от 16 июля 2018 г. «Об утверждении плана мероприятий по разработке новых нормативно-правовых и иных актов, взамен прекращающих свое действие ведомственных общеобязательных актов», а также реализации задач, определенных в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

**Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Исследование проведено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

**Комментарий зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Научно-исследовательские работы по определенным аспектам совершенствования методологических основ применения юридической техники в правовой деятельности проводятся в ведущих научных центрах и в высших образовательных учреждениях мира, в частности, University Harvard, Defense Institute of International Legal Studies, New York University, Washington University School of law (АКШ), University of Oxford, Cambridge University, Newcastle University, Queen Mary University, Library of House of commons (Великобритания), Universität zu Köln, Frankfurt Universität, Miskolc University (Германия), Pantheon Sorbonne (Франция), в Институте правовых исследований Академии наук Венгрии (Венгрия), в Московском государственном университете, Московский государственный юридический университет в Нижегородском научно-исследовательском центре (Россия), на факультете правоведения государственного университета Univeitatea Liberă internațională din Moldova (Молдова) и в Ташкентском государственном юридическом университете (Узбекистан).

<sup>2</sup>Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <https://www.harvard.edu>, <https://www.dsca.mil>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.uni-koeln.de>, [mta.hu](https://www.mta.hu), <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.parliament.uk/commons-library>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-miskolc.hu/en>, <https://www.pantheonsorbonne>, <https://msu.ru>, <https://msal.ru>, [jurtech.org](https://jurtech.org), <https://www.ulim.md>, <https://www.tsul.uz>.

В результате проведенных в мире исследований по совершенствованию применения юридической техники при осуществлении правовой деятельности были достигнуты следующие результаты: обосновано развитие системы электронного нормотворчества на основе требований юридической техники (University Harvard), обосновано значение юридической техники при разработке нормативно – правовых актов в англо-саксонской правовой системе (University of Oxford), обоснованы возможности юридической техники по устранению противоречий в законодательных актах (Universität zu Köln), усовершенствована систематизация законодательных актов на основе требований юридической техники (Pantheon Sarbonne), комплексно проанализированы теоретические и практические стороны юридической техники, определены направления совершенствования законодательства (Институт правовых исследований Академии наук Венгрии), обосновано совершенствование применения законодательной техники при совершенствовании уголовного законодательства (Univeitatea Liberă internațională din Moldova), определены методологические основы юридической техники (Нижегородской научно-исследовательский центр), введена система обучения юридической и законодательной технике (Ташкентский государственный юридический университет).

В мире проводится ряд исследований по совершенствованию применения юридической техники в правовой деятельности, в частности, по таким приоритетным направлениям, как: совершенствование методологических основ применения юридической техники в законотворческом процессе с использованием современных достижений науки и техники; совершенствование применения юридической техники в ведомственном правотворчестве; обеспечение логической связи между составными частями правовой системы на основе требований юридической техники; обеспечение применения в правоприменительной деятельности юридической техники на научной основе; научный анализ тенденции исторического развития юридической техники; совершенствование применения юридической техники при систематизации законодательства; совершенствование методов юридической техники при совершенствовании уголовного законодательства.

